



2016 у.г. «2» апрел № 476-К Самарқанд т.-р. Самарқанд

Тумандаги “Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини, “Ўрташиқ” маҳалласида жойлашган фуқаро Мукумов Шермахмат Алишеровичга тегишли уй-жойини бир қисмини турар жой тоифасидан нотурар жой тоифаси савдо дўконига айлантириш ҳақида

Тумандаги “Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини, “Ўрташиқ” маҳалласида яшовчи фуқаро Мукумов Шермахмат Алишерович туман ҳокими номига ариза билан мурожаат этиб, тадбиркорлик билан шугилланиш мақсадида “Ўрташиқ” маҳалласида жойлашган уй-жойини бир қисмини турар жой тоифасидан нотурар жой тоифаси савдо дўконига айлантириб беришни сўраб, туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан тайёрланган кадастр ҳужжатларини нусхасини, кўздан кечириш далолатномасини, турмуш ўртоғининг розилик аризасини, “Ўрташиқ” маҳалла фуқаролар йиғинининг маълумотномасини тақдим этган, 2009 йил 3 июн куни тумандаги хусусий амалиёт билан шугилланувчи нотариал идораси томонидан 1469-сонли олди-сотди шартномаси билан уй-жойига эгалик ҳуқуқи ўрнатилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Уй-жой кодекси”нинг 15-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Низомига, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги “Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини, “Ўрташиқ” маҳалласида жойлашган фуқаро Мукумов Шермахмат Алишеровичга тегишли уй-жойини бир қисмини қисмини турар жой тоифасидан нотурар жой тоифаси савдо дўконига айлантиришга рухсат бериш ҳақидаги туман ҳокими номига ёзган аризаси ҳамда тақдим этилган барча ҳужжатлар маълумот учун қабул қилинсин.

2. Фуқаро Мукумов Шермахмат Алишеровичга тегишли бўлган уй-жойининг А литеридида яшаш хонаси 14,96 м.кв., Б литеридида дахлез 5,44 м.кв.ни ташкил этади, шундан А литеридида яшаш хонаси 14,96 м.кв. яшаш хонаси турар жой тоифасидан нотурар жой тоифаси савдо дўконига айлантиришга ҳамда умумий 14,96 м.кв. майдондан нотурар жой тоифаси сифатида доимий фойдаланишга рухсат берилсин.